

ЭЛМИРЗАЕВ Фаррух Йўлчибоевич,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Терроризмга қарши курашиш хизмати
маъсул ходими
Farruh_uz@inbox.ru,

РАДИКАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ БОРЬБЫ С РАДИКАЛИЗМОМ И ЭКСТРЕМИЗМОМ

COMBATING RADICALIZATION AND EXTREMISM: INTERNATIONAL EXPERIENCE

Аннотация: Мақолада халқаро тажрибалар ўрганилиб, радикализм ва экстремизмга қарши курашишда самарали чоралар қўриш учун турли мамлакатлар томонидан қўлланилаётган ёндашувлар таҳлил қилинади. Радикализм ва экстремизмга қарши курашишда турли мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибаларини кўрсатиш билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва келажакдаги ҳамкорлик йўналишлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: радикаллашув, реабилитация, глобаллашув, террористик, экстремистик, адолатсизлиги, этник, дискриминация, репрессив, тузум, иқтисодий омиллар, ишсизлик, норозилик, адолат.

Аннотация: В статье исследуется международный опыт борьбы с радикализмом и экстремизмом, анализируются подходы, применяемые различными странами для повышения эффективности противодействия этим угрозам. Наряду с успешными практиками, выявленными в разных регионах мира, особое внимание уделяется усилиям Узбекистана в данной сфере. В статье также рассматривается значение международного сотрудничества в борьбе с радикализмом и экстремизмом и определяются перспективные направления взаимодействия.

Ключевые слова: радикализация, реабилитация, глобализация, террорист, экстремист, несправедливость, этнический, дискриминация, репрессивный, режим, экономические факторы, безработица, недовольство, справедливость.

Annotation: The article examines international experiences and analyzes the approaches used by different countries to effectively combat radicalization and extremism. In addition to highlighting the successful experiences of various countries in combating radicalization and extremism, particular attention is given to Uzbekistan's efforts in this field. Furthermore, information is provided about the importance of international cooperation and future directions for collaboration.

Keywords: radicalization, rehabilitation, globalization, terrorist, extremist, injustice, ethnic, discrimination, repressive, regime, economic factors, unemployment, discontent, justice.

КИРИШ

Бугунги кунда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий кадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда.

2022 йилнинг 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида: “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузгунчи ёт гоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз” деб таъкидлади. Радикаллашув – шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини муайян соҳасидаги жорий ҳолатни тубдан ва тўлиқ ўзгартириш хоҳиш истакларини англатади.

Мазкур атамага турли давлатлар ва соҳалар доирасида турли таърифлар берилган. Масалан, Россия федерациясининг экстремизмга қарши кураш стратегиясида радикаллашувга “конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ва давлат яхлитлигини бузишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам берадиган экстремистик мафкурага қаттиқ берилганлик” деб таъриф берилган [1].

Америка жазони ижро этиш муассасалари тизимида радикаллашув – “инсон экстремистик қарашларни қабул қилиб, ҳарбий, диний ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонлик усулларида фойдаланиш керак деган фикрга келишидир” деб таърифланади.

Диний радикализм тушунчасига нисбатан мутаассиб ғоялар таъсирида шахснинг диний қарашларини мўтадилликдан экстремистик томонга ўзгариб бориш жараёни сифатида баҳоланиши тушунилади. Шу сабабли, сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятда шахслар ва гуруҳларни экстремизмдан халос қилишга қаратилган “радикализмга қарши кураш” дастурлари долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Мақолада халқаро тажрибаларни қиёсий таҳлил қилишга асосланган тадқиқот методологияси қўлланилган. Тадқиқотда турли мамлакатлар томонидан радикаллашув ва экстремизмга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган турли стратегияларнинг самарадорлигини баҳолаш учун сифатли усуллардан фойдаланилган бўлиб, ҳужжатлар таҳлили ва турли ҳудудлардан олинган ҳолат таҳлилларига урғу берилади. Қўшимча равишда, Ўзбекистон ташаббусларини ва уларнинг глобал тенденцияларга мувофиқлигини чуқурроқ тушуниш учун эксперт интервьюлари ва расмий нашрлар ҳамда ҳисоботларнинг мазмунли таҳлили ўтказилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамият ва замонавий дунё тараккиётини таъминлаш учун радикализмга, зўравонликка, экстремизмга қарши курашиш йўли билангина эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бу борада турли давлатларнинг ўзига хос услублари, ҳаётий тажрибалари мавжуддир. Жумладан, Саудия Арабистони – Ислом динининг маркази, жамиятнинг бирмунча консервативлиги билан ажралиб турсада, радикализмга қарши курашиш бўйича катта тажрибага эгалиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик давлат ҳисобланади.

Мазкур йўналишда ҳозирги кундаги глобаллашув, террористик, экстремистик ва бошқа таҳдидларга қарамасдан Саудия Арабистони Қироллиги дунёдаги энг хавфсиз давлатлар қаторидан жой эгаллаб келмоқда.

Австралия Иқтисодиёт ва тинчлик институтининг 2020 йилдаги “Глобал терроризм индекси”да Саудия Арабистони терроризм

хавфи даражаси ноль баллга баҳоланиб, энг хавфсиз давлатлар қаторига киритилган (кейинги ўринларда: Туркменистон, Словения, Сингапур, Того ва Гамбия (Африка)) [2].

Саудия Арабистонида радикализмга қарши курашда дастлаб қироллик жазони ижро этиш муассасаларида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноят содир қилган маҳкумлар мулоқот ўрнатилиб, радикаллашувнинг асосий сабаблари ўрганилиб, улар билан диний, руҳий ва маданий йўналишларда ишлар ташкил қилиниб, ислом дини бўйича тушунчалари таҳлил қилинади. Маҳкумларга соф исломий тушунчалар ва билимлар берилишига асосий эътибор қаратилиб, оилавий байрамларни нишонлаш, спорт билан шуғулланишлари рағбатлантирилади.

Шунингдек, Қироллик Ички ишлар вазирлиги ҳузурида 2004 йилдан буён радикал шахслар ва экстремистик ғоялари таъсирига тушган шахслар билан ишлаш бўйича Мухаммад ибн Ноифа номидаги Реабилитация маркази фаолият юритиб келади.

Ушбу марказда, мазкур тоифадаги маҳкумлар жазодан озод этилишидан олдин 8 ҳафтадан 12 ҳафtagача бўлган муддатда ижтимоий реабилитация қилиш, ҳамда соғлом муҳитга қайтариш мақсадида реабилитация марказида ўқитилиб уларга тиббий, психологик, моддий, ҳуқуқий ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатилади, касб-хунарга ўргатилиб иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, Қироллик Ямандаги жанговор ҳаракатларда қатнашган 147 нафар вояга етмаган шахсларни муваффақиятли тарзда радикал ғояларидан кечишига эришиб, жамиятга мослаштира олди.

Бу ўринда Сингапур тажрибаси ҳам аҳамиятга молик саналади. Биз биламизки, Сингапур – дуёнвий демократик ривожланган ва кўп миллатли, динли давлат сифатида барча фуқароларини толерантлигини таъминлаш мақсадида радикализмга қарши курашаётган давлатлардан бири ҳисобланади.

Сингапурда “Ўзини ўзи радикаллаштириш” (self-redicalised) *(араб давлатларига саёҳат натижасида ёки Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги “жиҳод”га чақирувчи ёки диний даъватлар таъсирида радикал ғоялар таъсирига тушиш)* кенг тарқалган. Шунинг

алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Сингапурда “ўзини ўзи радикаллаштириш” жараёнлари 15-20 ёшдаги ўсмирлар ва аёллар орасида кўпайган [3].

Сингапурда ҳам Саудия Арабистонидагидек радикализмга қарши курашда экстремистик ва радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган шахсларнинг дастлаб радикаллашувнинг асосий сабаблари ўрганилиб, ислом дини бўйича тушунчалари таҳлил қилинади ва улар билан психологик, ижтимоий ва диний йўналишларда мураббийлар бириктириш, диний маслаҳатлар бериш орқали курашилади.

Радикализм ва ёт ғояларга қарши кураш дастурининг асосий қисми сифатида — дунёвий ва диний таълим муассасаларида, жамоатчилик ташкилотларида, ОАВда, такси ҳайдовчилари, алоқа марказлари операторлари, меҳмонхона ва савдо марказларида, хорижий фуқаролар ва уларнинг аёллари билан тарғибот тадбирлари олиб борилади.

Радикаллашувга қарши катта тажрибага эга давлатлардан яна бири Покистон ҳисобланади.

Покистон — демократик тараққиёт борасида катта салоҳиятга эга мамлакат бугунги кунда радикаллашувга қарши тураётган, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлик қила олаётган, *энг асосийси, замонавий бошқарувни қўлдан бой бермаётган мамлакат ҳисобланади*

Бунинг ўзига хос сабаблари сифатида Покистон Конституциясини мамлакатда зўравонлик ва экстремизмга қарши курашнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлганлигини эътироф этган ҳолда, мамлакатда радикаллашувга қарши сиёсатчиларнинг, партияларнинг, жамоат ташкилотларининг ҳам роли юқори.

Покистон армияси “**Қалблари ва онгларига кириб борамиз**” (“WHAM” with hearts and minds) шиори орқали чегарадош ҳудудларидаги ёшларни, аёлларни, вояга етмаган шахсларга таълим бериш, уларни ғоявий, руҳий, иқтисодий ва ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш орқали радикал ва экстремистик ғоялар таъсиридан воз кечдиришга эришиш билан бир қаторда ушбу ҳудудлар тинчлигини таъминлай олди [4].

Покистон бир неча йиллар давомида Афғонистондан келган қочоқлар, қуролли тўқнашувларда асирга тушган жангарилар ва сепаратистик ҳаракатларга қарши курашда дерадикализм бўйича катта тажрибага эга бўлди.

Покистонда **Сабон, Мишал, Спарлей** номли дерадикализация марказлари мавжуд бўлиб, 2009 йилдан буён мазкур марказларда жазони ижро этиш муассасаридаги маҳкумлар ёт ғояларга қарши диний таълим, психологик ва касбий таълим берилади. Маҳкумнинг ўзини тутишига қараб мазкур таълим оила аъзолари иштирокида ҳам ўтказилади. Покистон расмийларнинг маълумотларига кўра ушбу дастурлар орқали 2500 нафардан ортиқ террористик ташкилотларнинг жангарилари тўғри тузалиш йўлига ўтган [4].

Шу ўринда радикаллашувга қарши курашда Хитой ҳам ўзига хос йўли билан ажралиб туради. **Хитойда** радикализмга қарши кураш — экстремизм ва терроризмни олдини олиш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Сепаратистик, экстремистик ва террористик ҳаракатлар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудларда Антитеррористик қўмитанинг махсус радикаллашувга қарши ўқув марказлари ташкил этилган. Масалан, Шинжон ва Тибет провинцияларида шундай ўқув марказлари ташкил этилган бўлиб, ушбу марказларда асосан қонун устуворлиги тўғрисидаги умумий билимсизлик муаммосини ҳал қилиш учун миллий қонунчилик, юридик билимлар ва профессионал тарзда касб-хунарга ўргатилади.

Хитойда радикализмга қарши курашишда анъанавий медиа-каналлар, телевидение, газета, радио ва Интернет алоҳида рол ўйнайди. Шунингдек, сепаратизм, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликни тарғиб этиш учун махсус дастурлар йўлга қўйилган. Масалан, шаҳар марказларидаги рақамли экран, реклама таблолари ва автобус телеэкранларда терроризмга қарши курашни тарғиб этувчи видеороликлар доимий кўрсатилади.

Бундан ташқари, терроризмга ва экстремизмга қарши курашдаги таълимни кенгайтириш мақсадида кўнгил очар дастурлар орқали маданиятни тарғиб қилишга қаратилган новаторлик антитеррористик билимлар лойиҳаси қўлланилмоқда. Бу лойиҳа доирасида, кўшиқ, ўйинлар ва комедик сахналар орқали инсонларга дерадикализм ғояларини етказиш ва жамиятда терроризмга қарши муносабатни шакллантириш рағбатлантирилади.

Шунингдек, Тибет автоном ҳудудида ҳам экстремизм ва терроризмга қарши кураш маълум

хусусиятлар билан ажралиб туради. Масалан, терроризм таҳдидларига жавоб бериш учун полиция ходимлари будда ибодатхоналарида ўқитилади. Тибетда инсоннинг ўзиги ўт қўйиши ёки «терроризм» сифатида таъриф этади.

Бундан ташқари, Хитойда хорижий террористик ташкилотлар, уларнинг аъзоларини Хитойдаги фаолияти, диний экстремизмни тарқатганлик, терроризмни тарғиб қилганлик ва бошқалар ҳақида маълумот, ахборот етказган шахсларга 300 000 юань миқдорда (525 000 000 сўм) мукофот пули берилади.

Миср араб республикасида радикализм ва экстремизмга қарши кураш мақсадида **“Ал-азхар Экстремизмга қарши кураш обсерваторияси”**, **“Электрон фатволар маркази”** ҳамда Миср Фатво уйи ҳузуридаги Экстремизмни тадқиқ этиш **“Салам”** марказлари фаолият олиб боради.

“Экстремизмга қарши кураш обсерваторияси” 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади террорчи гуруҳлар томонидан тарқатилаётган экстремистик ғоя ва мафкуралар билан боғлиқ жараёнларни мониторинг қилишдан иборат.

Ушбу жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун хорижий тилларни мукамал билладиган 50 нафар ходим турли тиллардаги веб-сайтлар ва ижтимоий медиа воситаларида экстремистик ғоя ва фикрларни кузатиб боришлари баробарида 13 тилда уларга раддиялар тайёрлайди.

«Электрон фатволар маркази» - аҳолидан диний масалалар бўйича келадиган саволларга жавоб бериладиган марказ бўлиб, марказга келиб тушган саволлар уларнинг мазмун-моҳияти, мавзуларга кўра мутахассисларга тақсимланади, шу билан бир қаторда, онлайн равишда берилаётган жавоблар доимий равишда ушбу марказ томонидан назорат қилиб борилади.

Мазкур марказ томонидан юзма-юз суҳбатлар олиб бориш ёки ижтимоий тармоқлар орқали маълумотларни кенг тарқатиш радикализмга қарши курашда яхши натижа бериши таъкидланган.

“Салам” экстремизмни тадқиқ этиш маркази экстремизм ва радикализмга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳокимият органларига қўмаклашиш, экстремизм

ва радикализм профилактикасининг илмий, маданий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатларини ўрганиш каби бир қатор муҳим вазифаларни бажаради.

Бирлашган араб амирликларида – 2012 йилдан буён радикализм ва экстремизмга қарши кураш бўйича **“Hedayah”** халқаро маркази фаолият юритиб келади. Ушбу марказ дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида радикализм ва экстремизмга қарши кураш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни илгари суради.

Марказ давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини ошириш, экстремизмга олиб келадиган радикаллашувга самарали қарши кураш юзасидан 2015-2021 йилларда 11 мамлакатдаги 39 та лойиҳа орқали 15 мингдан ортиқ ёшлар, 1850 та мактаб ўқитувчилари, 500 дан зиёд журналистлар, 134 та давлат идораларининг матбуот котиблари диний етакчилар таҳсил олган [6]. Террористик ташкилотлар томонидан чоп этилган (ёшларга мўлжалланган) қўлланмаларнинг зарарли томонларини тадқиқ қилиб, уларга қарши 30 га яқин турли қўлланмалар чиқарган.

Ўзбекистонда радикаллашув даражасини пасайтириш ва жамиятда бундай салбий ҳолатлар кўпайишининг олдини олиш учун қўйиладиган:

1) радикаллашувга қарши курашиш марказларини ташкил этиш ва таълим лойиҳалари асосида фуқароларда маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва диний бағрикенглик ғояларини мустаҳкамлаш, оила ва ўқув муассасаларида илмнинг ҳаётдаги муҳим ўрнини ёшларга етказиш;

2) медиа майдонда диний мавзуда амалга оширилаётган турли мазмундаги фитналарга ва мутаассиблик мазмунидаги чиқишларга қарши тизимли ва тезкор раддия бериб боришни йўлга қўйиш;

3) ижтимоий кўмакка муҳтож оилалардаги ижтимоий вазиятни доимий назоратга олиш, реабилитация ишларини самарали усулларда ташкил этиш;

4) экстремистик ташкилотларнинг ёллаш ишларига қарши иммунитетни кучайтириш мақсадида тинчлик ва барқарорлик, оғоҳликни тарғиб қилувчи мўътадил уламоларнинг мавқеини кучайтириш;

5) ёшларни ижобий қаҳрамонлар мисолида тарбиялаш;

6) аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган манзилли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш;

7) радикализм ва зўравон экстремизмга қарши курашиш борасида катта ютуқларни қўлга киритган хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш таклиф этилади.

ХУЛОСА

Юқорида кўрсатилган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, радикаллашув кўп қиррали ҳодиса бўлиб, чуқур сабаблари ва кенг қўламли оқибатларга эга. Ушбу мураккаб муаммони ҳал қилиш ижтимоий-иқтисодий тенгсизликларни бартараф этиш, маданий тушунишни ривожлантириш ва бағрикенглик ҳамда танқидий фикрлашни ривожлантирадиган таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштирадиган комплекс ёндошувни талаб қилади. Бундан ташқари, радикаллашувга қарши курашда анъанавий усуллардан ташқари узоқ муддатли, муаммоларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли, мажмуавий профилактик чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

Жамиятда радикаллашувни самарали ҳал қилиш учун ижтимоий-иқтисодий тенгсизликларни бартараф этиш, маданий тушунишни ривожлантириш ҳамда бағрикенглик ва танқидий фикрлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ёндашув зарур. Анъанавий усуллардан ташқари, радикаллашувга қарши курашда узоқ муддатли профилактик чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мақолада таҳлил қилинган халқаро тажрибалар радикал ғояларга қарши курашда ҳуқуқий асослар ва жамоатчилик ташаббуслари билан уйғунлашуви зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳам ўзининг радикаллашувга қарши кураш тадбирларини такомиллаштириш йўлида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатларини кучайтирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳасанбаев Ў. Диний-маърифий ва ижтимоий-маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: “Shamsuddin Boboxonov” NMIU, 2020. – 607 б.
2. Orumbayeva M., Kurmangali A. World Experience in Countering and Preventing Extremism and Terrorism // *Public Administration and Civil Service*. Мемлекеттік басқару және мемлекеттік қызмет // Халықаралық ғылыми-талдау журналы. №3 (78) 2021. DOI:10.52123/1994-2370-2021-348 с.
3. Wicker C. (2007). International Lessons Learned and Recommendations for Combating Domestic Islamic Terrorism. Corpus ID: 152705766.
4. Matveyev S.A. *Anglo-russkiy teologicheskii slovar. Iudaizm-Xristianstvo-Islam/ S.A.Matveyev. -M.: AST: Vostokzapad, 2014.*
5. Канунникова Н.Г. (2014). Зарубежный опыт противодействия международному экстремизму и терроризму. Corpus ID: 150634057
6. Razak M.A., Haneef S.S., Shukri A.S. (2019). Muslim world in encountering the challenges of global extremism and terrorism. Corpus ID: 159279992. <https://www.semanticscholar.org/paper/Muslim-world-in-encountering-the-challenges-of-and-Razak-Haneef/88759d1d06d693defc09c59b14274eb09e092fed>